

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.29.12.2018.Т.78.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МИХЛИЕВ ОЙБЕК АВЛОЁРОВИЧ**

**ДОЛОМИТНИ НИТРАТ КИСЛОТАСИ БИЛАН МАГНИЙ  
БИРИКМАЛАРИ ВА СУЮҚ ЎҒИТЛАРГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз -2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Михлиев Ойбек Авлоёрович**

Доломитни нитрат кислотаси билан магний бирикмалари ва суюқ  
ўғитларга комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш.....3

**Михлиев Ойбек Авлоёрович**

Разработка технологии комплексной переработки доломита азотной  
кислотой с получением соединений магния и жидких удобрений.....21

**Mikhliyev Oybek Avloyorovich**

Development of a technology for the integrated processing of dolomite with  
nitric acid to produce magnesium compounds and liquid fertilizers.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ КИМЁ -  
ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 29.12.2018. Т.78.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МИХЛИЕВ ОЙБЕК АВЛОЁРОВИЧ**

**ДОЛОМИТНИ НИТРАТ КИСЛОТАСИ БИЛАН МАГНИЙ  
БИРИКМАЛАРИ ВА СУЮҚ ЎҒИТЛАРГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз -2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/T1384  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Мирзақулов Холтура Чориевич</b><br>техника фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Шукуров Жамшид Султонович</b><br>техника фанлари доктори, катта илмий ходим<br><b>Иралиев Боймирза Холмирзаевич</b><br>техника фанлари номзоди |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Наманган муҳандислик-технология институти</b>  |

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.29.12.2018.Т.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@uamail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@uamail.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Т.Джалилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., проф., академик

**С.З.Ходжамкулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

**Х.С.Бекназаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси муовини,  
т.ф.д., катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда илм ва нанотехнологияларнинг ривожланиши билан турли хилдаги кимёвий бирикмаларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бу борада магний бирикмалари, жумладан магний гидроксиди алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам саноатни магний гидроксидга бўлган талабини қондириш бутун дунё олимларининг асосий илмий тадқиқотлар йўналишларидан бири ҳисобланади. Магний гидроксиди нафақат магний оксидини олиш учун хомашё, балки ундан турли хилдаги магний тузларини олиш учун ҳам хомашё ҳисобланади.

Дунё микёсида доломитни магний гидроксиди ва оксидига, айланма эритмаларини азотли ўғитларга қайта ишлашнинг қуйидаги илмий ечимларини асослаш: нитрат кислота эритмаси таркибидан магнийни ажратиб олишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, кислотали муҳитдан магний гидроксидини ажратиб олиш, доломитлардан магний гидроксиди ва оксидини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, магний оксидини ажратиб олинганидан кейинги айланма эритмани қайта ишлаш зарур.

Республикамизда таркибда магний сақловчи хомашё манбаларини қайта ишлаш технологияларини ривожланиши билан кимё саноатини магний сақловчи бирикмалари билан таъминлаш тадбирларини амалга ошириш, ҳамда кўплаб илмий-тадқиқот натижаларини амалга оширишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йилларда ривожланиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида ўта муҳим, яъни «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан доломитларни магний гидроксиди ва оксиди, айланма эритмаларини қайта ишлаб суюқ ва донадор азот-кальцийли ўғитлар олиш технологиясини ўзлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

---

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник ва патент адабиётларида катта ҳажмдаги илмий материаллар ва таркибида магний гидроксид, магний оксиди ва бошқа бирикмаларни сақловчи хомашё манбалари ва уларни қайта ишлаш усуллари баён қилинган. Табиий хомашё ресурсларини қайта ишлаш билан М.Н. Набиев, М.Е. Позин, В.В. Кармышов, Б.А. Дмитриевский, А.М. Амирова, Ш.С. Намазов, Х.Ч. Мирзакулов, А.М. Реймов, С.М. Таджиев ва бошқа олимлар илмий ишлар олиб боришган.

Табиий минерал ресурсларнинг ҳар бири улкан ва ўзига хос характерга эга бўлиб, таркиби бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу эса минерал хомашёларнинг ҳар бир турига алоҳида илмий ва технологик ёндошишни ҳамда қайта ишлашнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган йўллари топишни талаб этади. Жаҳон амалиётидаги маълум бўлган мавжуд технологиялар Деҳқонобод конларидаги доломитни қайта ишлашга ярамайди, чунки улар таркиби ва асосий компонентнинг миқдори жиҳатдан бошқа минераллардан катта фарқ қилади.

Илмий-техник адабиётларда Ўзбекистоннинг турли доломит конларидаги доломит миқдори бўйича геологик-минералогик маълумотлар мавжуд бўлиб, захираси ва уларни кислотали қайта ишлаш имкониятлари ҳақида баён қилинган. Ўзбекистондаги турли хил доломитларнинг хлорид кислотали ва фосфат кислотали парчаланиш жараёнлари батафсил ўрганилган. Кальций ва магний тузлари асосида турли хилдаги дефолиантлар ҳамда концентранган фосфор сақловчи ўғитлар олиш имкониятлари кўрсатилган бўлсада, лекин доломитларни нитрат кислотаси билан парчалош орқали магний гидроксиди олишнинг илмий ва технологик аспекти мутлақо ўрганилмаган, нордон кислота айланма эритмаларни қайта ишлаш ҳақида маълумотлар йўқ.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режаси ва ИД-2-003 «Қараумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан натрий хлорид, натрий сульфат, магний хлорид ва магний оксид ишлаб чиқаришни тажриба синовларини ўзлаштириш» (2009-2010 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Деҳқонобод кони доломитини комплекс қайта ишлаб магний гидроксид олиш ва бир вақтнинг ўзида чўкинди айланма эритмаларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Деҳқонобод кони доломитларининг тузлари ва кимёвий таркибини ўрганиш;

доломитни нитрат кислотаси билан парчалош жараёнларининг мақбул технологик параметрларини ўрнатиш;

тиндирилган нитрат кислотали эритмани аммиак билан нейтраллаш

жараёнини магний гидроксидининг чўкиши ва кимёвий таркибига таъсирини тадқиқ қилиш;

айланма эритмаларни қайта ишлаб суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш;

Дехқонобод кони доломитларидан магний гидроксиди олишнинг моддий баланси ва технологик схемасини ишлаб чиқиш, айланма эритмаларни суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитларга қайта ишлаш, техник-иқтисодий ҳисобларни амалга ошириш;

Дехқонобод кони доломитини нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаб, магний гидроксид ҳамда суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш ишларини тажриба-саноат шароитларида синаб кўриш;

**Тадқиқотнинг объекти** Дехқонобод кони доломити, магний гидроксиди, магний гидроксиди ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган айланма эритмалар асосида олинган суюқ ва донодор ўғитлар намуналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** магний гидроксиди, суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш технологияси ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Мазкур диссертация ишида бир қатор физик-кимёвий усуллардан, жумладан кимёвий, рентгенографик, термогравиметрик ва ИҚ- спектроскопик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Дехқонобод кони доломитларининг юқори кўпикланиши ва реактивлиги, бу парчаланиш жараёнининг давомийлиги қисқартирилган ва технологик жараённи такомиллаштирилган;

доломитнинг нитрат кислотасини парчаланиш жараёнида магнийнинг ажралиб чиқиш даражасига, нитрат кислотали ажратилган эритма таркибидаги магнийнинг чўкиш даражасига қараб аммонизация даражасига технологик параметрларнинг таъсир этиши аниқланган;

илк бор Дехқонобод кони доломитини нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаб магний гидроксиди олиш, бир вақтнинг ўзида айланма эритмаларни утилизация қилиб суюқ ҳолдаги азот-кальцийли, азот-кальций-магнийли, шунингдек донодор азот-кальцийли ўғитлар олиниши исботланган;

шўрланган ерлар учун Дехқонобод кони доломитини комплекс қайта ишлаб магний гидроксид ва айланма эритмалардан суюқ ҳамда донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Дехқонобод кони доломитларидан магний гидроксиди ҳамда суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш технологиясининг оптимал шароитлари аниқланган;

доломитни қайта ишлаб магний гидроксид олиш, бир вақтнинг ўзида суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олишнинг комплекс, илмий асосланган ва самарали технологияси ишлаб чиқилган;

“Дехқонобод калий заводи” АЖда доломитдан магний гидроксиди ҳамда суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар, шунингдек суюқ азот-кальций-магнийли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Олинган натижалар кимёвий ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда тажриба-синов натижаларининг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан тасдиқланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Дехқонобод кони доломитидан мамлакатимиз иқтисодиётида импорт ўрнини боса оладиган кимёвий маҳсулотлар - магний оксид ва магний гидроксидлари ҳамда суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олишнинг илмий асослари яратилди. Магний гидроксидини доломитни нитрат кислотаси иштирокида парчалаб олинган эритмасидан газсимон аммиак билан нейтраллаб олишнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Дехқонобод кони доломитларидан магний гидроксиди ва айланма суюликларини суюқ ва донодор ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш, доломит хомашёсини комплекс қайта ишлаш асосида мамлакат эҳтиёжлари учун магний бирикмалари ҳамда шўрланган тупроқларга самарали бўлган суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дехқонобод конларидаги доломитни комплекс қайта ишлаб магний гидроксиди олиш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

доломитни қайта ишлаб магний гидроксид олиш технологияси “Дехқонобод калий заводи” АЖда амалиётга жорий қилинган («O'zkiimyosanoat» АЖнинг 2019 йил 7 октябрдаги 03-6194-сонли маълумотномаси). Натижада доломитларни комплекс қайта ишлаб таркибида магний гидроксид миқдори 98,2% дан кам бўлмаган маҳсулот олиш имконини берган;

Дехқонобод кони доломитини нитрат кислотаси билан комплекс қайта ишлаб, ҳосил бўлган айланма эритмадан суюқ азот-кальцийли, суюқ азот-кальций-магнийли ва донодор азот-кальцийли ўғитлар олиш технологияси “Дехқонобод калий заводи” АЖда амалда тажриба-синовдан ўтказилган ҳамда «O'zkiimyosanoat» АЖнинг «2020-2022 йилларда амалиётга жорий қилиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiimyosanoat» АЖнинг 2019 йил 7 октябрдаги 03-6194-сонли маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалигидаги шўрланган ерларни самарали суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитлар билан таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Магний гидроксиди ва суюқ азот-кальцийли ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобда мавжуд адабиётлар шарҳи, доломит хом-ашё ресурсларининг тавсифи, хом-ашё манбаларининг ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақида маълумотлар келтирилган. Магний бирикмалари ва суюқ азот-кальцийли ўғитларнинг олиниш имкониятлари асосланган илмий-техник ва патент адабиётлари, физик-кимёвий системалар тадқиқи амалга оширилган. Магний оксиди, магний гидроксиди ва суюқ азот-кальцийли ўғитлар олишга бағишланган илмий тўпламлар, патент материаллари таҳлил қилинган.

Чоп қилинган ишларни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий усуллари”** деб номланган иккинчи бобида доломитларни тадқиқ қилишда қўлланилган усулларнинг баёни, тадқиқотда қўлланилган хом ашёлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг хоссалари, улар асосида олинган намуналарнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш усуллари баён этилган.

Диссертациянинг **“Доломитни нитрат кислотали парчалаш жараёни тадқиқоти”** деб номланган учинчи бобида Деҳқонобод кони доломитини нитрат кислота билан парчалашнинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган. Тадқиқ қилиш учун Деҳқонобод доломит конидан икки хил таркибга эга бўлган намуна олинган (масс. %): CaO – 37,55; MgO – 13,57; CO<sub>2</sub> – 44,43; э.қ. – 0,56 ва CaO – 31,55; MgO – 19,02; CO<sub>2</sub> – 43,03; э.қ. – 0,67.

Деҳқонобод кони доломитларининг таркибида углерод оксиди миқдори кўп бўлганлиги сабабли парчаланиш жараёнининг давомийлиги ва кўпик ҳосил бўлиш жараёнида аралаштиргичларнинг айланиш тезлиги таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар 25°C ҳароратда, механик аралаштиргич билан жиҳозланган цилиндрсимон шиша реакторда, 40% ли нитрат кислота билан (доломитни нитрат кислотаси билан парчаланиш меъёри 100%) олиб борилди.

Кўпикланиш карралиги кўпик ҳажмини ( $V_k$ ) суюқлик ҳажми ( $V_c$ ) нисбати билан қуйидаги формула орқали топилади:

$$K_n = \frac{V_k}{V_c} = \frac{(V_r + V_c)}{V_c}$$

Бу ерда  $V_r$  – кўпикдаги газнинг ҳажми.

Тадқиқотлар шу нарсани кўрсатадики, Дехқонобод кони доломитларининг парчаланиши жараёни вақтининг ортиши натижасида ҳосил бўладиган кўпикланиш, аралаштиргичнинг айланиш тезлиги 750 айл/мин. бўлганда 30 секунд давомида дастлаб ортади ва кейинги 30 секунд давомида пасаяди. Кўпикланишнинг максимал карралиги 20-35 секунд давомида кўзатилади ва 10,17-10,22 ни ташкил қилади, максимумдан ўтишда 10,62 бўлади.

Аралаштиргичларнинг тезлиги 750 айл/мин. -дан 1000 айл/мин. -гача оширилганда кўпикланиш карралиги тезда камаёди, максимал карралиги эса 15-25 секунддан кейин кўзатилади. Кўпикланишнинг максимал 8,37 карралиги 20 секунддан кейин кўзатилади. Аралаштиргичнинг айланишлар тезлиги ошган сари кўпикланиш карралиги максимал даражада 1,269 мартага камайтиради, вақт эса 10 секунд сарфланади. Бунда кўпикларнинг барқарорлиги 60 секунддан ошмайди. Кўпик ҳосил бўлишини камайтиришнинг нисбатан самарали усулларида бири циркуляция (30-50%) куйқа таркибига доломит киритилади, у нитрат кислотаси таъсирида парчаланadi. Бу эса кўпикланиши карралигини 1,3-2,0 гача камайтиради ва технологик жараённинг мураккаблашмаслигини ва меъёрида ишлашини таъминлайди.

Дехқонобод кони доломитини 100% стехиметрик меъёрда 40, 50 ва 57% ли нитрат кислота билан парчалаш жараёнининг кинетик кўрсаткичларини аниқлаш учун жараён давомийлиги ва ҳароратини таъсири ўрганилган. Олиб борилган тажрибалар ҳароратлари 10, 20, 30, 40 ва 50°C да ушлаб турилди. Доломитнинг парчаланиш даражаси суёқ фазадаги кальций ва магний оксидларининг миқдорлари орқали аниқланди.

Парчаланиш жараёнининг бошланғич босқичи доломитни нитрат кислотаси билан борадиган реакция тезлиги орқали аниқланади, сўнг кислотани доломитга диффузияланиш тезлиги ва нитрат кислотанинг парчаланиш маҳсулотлари каби факторлар аниқланади. Кўриниб турибдики, доломит ўзининг юқори реакция хусусиятга эга эканлиги билан характерланади ва газ фазага углерод диоксиди ажралиши билан, етарли даражада тезлик билан парчаланadi.

Олинган натижалар асосида реакция тезлик константаси ва доломитни нитрат кислотаси билан парчалаш жараёнининг активланиш энергияси ҳисобланган. Парчаланиш реакция тезлик константаси ҳароратга боғлиқ равишда С. Аррениус тенгласига бўйсинади ва қуйидаги эмперик тенглама орқали ифодаланади: нитрат кислота концентрацияси 40% бўлганда  $K = 29,50 \cdot e^{\frac{938,2}{T}}$ ; 50% -  $K = 32,13 \cdot e^{\frac{1025,8}{T}}$  ва 57% -  $K = 33,94 \cdot e^{\frac{1201,3}{T}}$ .

Дехқонобод кони доломитини 40°C ҳарорат ва 30 минут давомида 40% ли нитрат кислота билан парчалаш жараёни тадқиқ этилди. 1-жадвалда Дехқонобод кони доломитини парчалашда нитрат кислота меъёрининг суёқ

фазани кимёвий таркибига таъсири натижалари келтирилган.

**1-жадвал**

**40% ли нитрат кислота меъёрларининг суюқ фаза кимёвий такибига таъсири**

| № | Меъёр, % | Суюқ фазанинг кимёвий такиби, масс. % |      |                                |                                |                              | C:K    |
|---|----------|---------------------------------------|------|--------------------------------|--------------------------------|------------------------------|--------|
|   |          | CaO                                   | MgO  | Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> |        |
| 1 | 100      | 9,80                                  | 3,59 | 0,021                          | 0,073                          | 33,70                        | 233,55 |
| 2 | 105      | 9,40                                  | 3,44 | 0,021                          | 0,071                          | 33,94                        | 243,56 |
| 3 | 110      | 9,03                                  | 3,31 | 0,020                          | 0,069                          | 34,16                        | 253,56 |
| 4 | 120      | 8,37                                  | 3,07 | 0,019                          | 0,065                          | 34,52                        | 273,57 |
| 5 | 130      | 7,80                                  | 2,86 | 0,018                          | 0,061                          | 34,85                        | 293,58 |
| 6 | 140      | 7,30                                  | 2,68 | 0,017                          | 0,057                          | 35,13                        | 313,59 |
| 7 | 150      | 6,87                                  | 2,52 | 0,018                          | 0,054                          | 35,36                        | 333,60 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, нитрат кислота меъёрининг ошиши натижасида эритма таркибидаги доломит компонентларининг миқдорлари ҳам камаяди: NO<sub>3</sub><sup>-</sup> миқдори 33,70% дан 35,36% гача ошади, K:C эса 333,60 гача етади. Магний оксидининг максимал 3,59% миқдори 40% ли нитрат кислотасининг 100% меъёрида кузатилади. Бунда кальций оксидининг миқдори 9,80% ни, темир оксиди 0,021% ни, алюминий оксиди эса 0,073% ни ташкил этади.

Қаттиқ фазанинг асосий компонентларини кальций, магний, темир ва алюминий бирикмалари ташкил этади. Магний оксидининг миқдори 1,719-0,181%, кальций оксиди миқдори 38,05-40,80%. Яхши эрувчанликка эга бўлган магний, кальций, темир ва алюминий бирикмалари нитрат кислотасида ёмон эрийди. Технологик жараёнда 40°C ҳароратда, нитрат кислотаси концентрацияси 40% бўлганда, 30 минутлик давомийлиги ва 100% стехиометрик меъёрида парчаланиш жараёнини мақбул шароитига эришилди.

Ушбу параметрларда магний оксидини ажратиш олиш даражаси жуда юқори бўлиб, нитрат кислотаси меъёри 100% дан юқори бўлганда унга боғлиқ бўлмайди ва 99,81-99,98% ни ташкил этади. Кальций оксидини ўтиш даражаси 98,37-98,48, темир оксидлари 38,30-46,60%, алюминий оксидлари 75,00-79,38% бўлиб, бу нитрат кислота эритмаси таркибидан магнийни ажратиш олиш учун 100% стехиометрик меъёр етарлидир.

Дехқонобод доломитини 40% ли нитрат кислота билан парчалашдаги ҳарорат ва жараён давомийлигини суюқ фаза таркибига таъсири 110% ли стехиометрик меъёрда ўрганилган. Олинган тадқиқот кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, ҳарорат ва парчаланиш жараёнининг давомийлиги эритмадаги магний оксиди миқдорига таъсир қилмайди. Кальций оксиди миқдори 20°C ҳароратда парчаланиш жараёни давомийлик вақтининг 10 дан 60 минутгача ортиши билан 8,76% дан 9,06% гача, 60°C ҳароратда 8,89% дан 9,14% гача ошади. Ҳарорат ҳам эритмадаги кальций оксиди миқдорига таъсир қилмайди. Темир ва алюминий оксидларининг миқдори эса ҳаддан ташқари кичик.

**Доломитни 110% стехиометрик меъёрда 40% ли нитрат кислотаси билан парчалаш жараёнидаги ҳарорат ва жараён давомийлигининг суюқ фаза таркибига таъсири**

| №  | Ҳарорат, °С | Вақт, мин | Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, масс. % |      |                                |                                |                 |        |
|----|-------------|-----------|--|------|--------------------------------|--------------------------------|-----------------|--------|
|    |             |           | CaO                                    | MgO  | Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | NO <sub>3</sub> | C:K    |
| 1  | 20          | 10        | 8,76                                   | 3,31 | 0,011                          | 0,069                          | 34,16           | 253,56 |
| 2  | 20          | 20        | 8,87                                   | 3,31 | 0,014                          | 0,071                          | 34,16           | 252,91 |
| 3  | 20          | 30        | 8,96                                   | 3,31 | 0,017                          | 0,075                          | 34,16           | 252,42 |
| 4  | 20          | 40        | 9,02                                   | 3,31 | 0,021                          | 0,081                          | 34,16           | 252,04 |
| 5  | 20          | 60        | 9,07                                   | 3,31 | 0,028                          | 0,092                          | 34,16           | 251,66 |
| 6  | 40          | 10        | 8,86                                   | 3,31 | 0,016                          | 0,073                          | 34,16           | 252,96 |
| 7  | 40          | 20        | 8,95                                   | 3,31 | 0,018                          | 0,074                          | 34,16           | 252,47 |
| 8  | 40          | 30        | 9,03                                   | 3,31 | 0,021                          | 0,07                           | 34,16           | 252,04 |
| 9  | 40          | 40        | 9,09                                   | 3,31 | 0,024                          | 0,073                          | 34,16           | 251,66 |
| 10 | 40          | 60        | 9,13                                   | 3,32 | 0,030                          | 0,082                          | 34,16           | 251,33 |
| 11 | 60          | 10        | 8,90                                   | 3,31 | 0,016                          | 0,065                          | 34,16           | 252,80 |
| 12 | 60          | 20        | 9,03                                   | 3,31 | 0,018                          | 0,065                          | 34,16           | 252,09 |
| 13 | 60          | 30        | 9,09                                   | 3,31 | 0,021                          | 0,069                          | 34,16           | 251,71 |
| 14 | 60          | 40        | 9,12                                   | 3,32 | 0,024                          | 0,074                          | 34,16           | 251,44 |
| 15 | 60          | 60        | 9,14                                   | 3,32 | 0,030                          | 0,082                          | 34,16           | 251,28 |

Парчаланиш жараёни давомийлигининг ортиши қаттиқ фазадаги магний оксиди миқдорини камайишига олиб келади, парчаланиш жараёни давомийлиги 10 минут 1,51 дан 1,92% гача, 60 минут бўлганда эса 0,72 - 0,92% гача камаяди. Бундай қонуният нитрат кислота эритмасидан кальций, темир ва алюминий оксидларини ажратишда кузатилади.

Жараён давомийлиги ва ҳарорат магнийни ажратиб олиш даражасига амалий жиҳатдан салбий таъсир этмайди. Жараён давомийлиги кальцийни ажратиш даражасига эса жуда кам таъсир этади. 20°С ҳароратда жараён давомийлигини 10 дан 60 минутгача ошириш ажратиш даражасини 3,28% гача оширади, 40°С ҳароратда 2,94% гача, 60°С ҳароратда эса 2,64% гача оширади. Жараён давомийлигининг сезиларли даражадаги таъсири эритма таркибидан темир ва алюминий бирикмаларини ажратиб олишда кузатиш мумкин.

Доломитни стехиометрик меъёр 110%, жараён давомийлигини 30 минут бўлганда 40% ли нитрат кислотаси билан парчалаш ҳароратини 20 дан 60°С гача ўзгариши суюқ фазанинг кимёвий таркибига таъсир қилмайди. Парчаланиш ҳароратининг қанча бўлишидан қатъий назар магний оксид миқдори 3,31% ни ташкил қилади.

Қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби ҳарорат ўзгариши билан 40% ли нитрат кислотаси билан парчалашда стехиометрик меъёри 110% ва жараён давомийлигини 30 минут бўлганда асосий компонентлар миқдорини камайишига олиб келади. Магний, темир, алюминий оксидларининг миқдори мос равишда 0,226%, 1,09% ва 0,80% га камаяди, унда кальций оксиди миқдори эса 45,72% дан 25,50% гача камаяди.

Суюқ ва қаттиқ фазаларнинг ажралиш босқичи фосфоритларни ва бошқа кальций сақловчи минералларни нитрат кислотаси билан парчалашда лимитловчи брқичи ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотларнинг навбатдаги босқичларида доломитларни нитрат кислотаси билан парчалаш натижасида олинган маҳсулотларни ажратиш жараёнлари тиндириш, чўктириш ва фильтрлаш йўли билан ўрганилган.

Тадқиқотларда доломитлар таркибидаги парчаланмай қолган йирик эримас қисм бўлакчалари тезда чўкиб қолиши ва 3 минутдан сўнг чўкиш даражаси 100% га етганлиги аниқланди. 100 секунд давомида чўкиш даражаси 98% га етади.

40% ли нитрат кислотаси билан доломитни парчалашда ҳосил бўлган суспензиянинг майда заррачалари доломитнинг йирик заррачаларидан фарқ қилган ҳолда жуда секинлик билан чўкади ва 120 минутдан кейин тиниш даражаси 86,83% гача етади.

Суюқ ва қаттиқ фазаларни бир-биридан ажралиш жараёнини тезлаштириш учун ҳарорат ва 40% ли нитрат кислотасини доломитни парчаланиш маҳсулотларини фильтрлаш тезлигига таъсири ўрганилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Парчалашдан кейинги фильтрлаш тезлигига технологик параметрларни таъсири (сув насоси, вакуум 300 мм. сим. уст.)

| №          | Меъёр<br>HNO <sub>3</sub> | Ҳарорат,<br>°C | Фильтрлаш тезлиги, кг/м <sup>2</sup> ·с |                       |                    |
|------------|---------------------------|----------------|---|-----------------------|--------------------|
|            |                           |                | Қуйқа<br>бўйича                         | Қаттиқ фаза<br>бўйича | Фильтрат<br>бўйича |
| R = 0 мм   |                           |                |   |                       |                    |
| 1          | 100                       | 20             | 770,75                                  | 3,79                  | 766,96             |
|            |                           | 40             | 1107,88                                 | 5,44                  | 1102,44            |
|            |                           | 60             | 1190,79                                 | 5,85                  | 1184,94            |
| 2          | 105                       | 20             | 801,73                                  | 3,78                  | 797,95             |
|            |                           | 40             | 1152,42                                 | 5,43                  | 1146,99            |
|            |                           | 60             | 1238,65                                 | 5,83                  | 1232,82            |
| 3          | 110                       | 20             | 820,42                                  | 3,73                  | 816,69             |
|            |                           | 40             | 1179,30                                 | 5,36                  | 1173,94            |
|            |                           | 60             | 1267,52                                 | 5,77                  | 1261,75            |
| R = 0,1 мм |                           |                |   |                       |                    |
| 4          | 100                       | 20             | 184,42                                  | 0,91                  | 183,51             |
|            |                           | 40             | 300,56                                  | 1,48                  | 299,08             |
|            |                           | 60             | 349,57                                  | 1,72                  | 347,85             |
| 5          | 105                       | 20             | 191,84                                  | 0,90                  | 190,94             |
|            |                           | 40             | 312,64                                  | 1,47                  | 311,17             |
|            |                           | 60             | 363,63                                  | 1,71                  | 361,92             |
| 6          | 110                       | 20             | 191,82                                  | 0,87                  | 190,95             |
|            |                           | 40             | 319,93                                  | 1,46                  | 318,47             |
|            |                           | 60             | 372,10                                  | 1,69                  | 370,41             |

Қуйқанинг ҳарорати 20 дан 60°C гача оширилганда қуйқани фильтрлаш тезлиги, фильтрат ва нам ҳолдаги қаттиқ фазанинг миқдори ошади. Бунда


қуйқа бўйича филтрлаш тезлиги 20°C ҳароратда 770,75 кг/м<sup>2</sup>·с дан 60°C ҳароратда 1190,79 кг/м<sup>2</sup>·с гача ошади.

Нитрат кислотаси меъерининг 100% дан 110% гача ошиши филтрлаш тезлигини кам миқдорда оширади. Шундай қилиб, 60°C ҳароратда суюқ фаза бўйича филтрлаш тезлиги стехиометрик меъёр 105% бўлганда 1184,94 кг/м<sup>2</sup> с дан меъёр 110% бўлганда эса 1261,75 кг/м<sup>2</sup>·с гача ошади.

Эримайдиган чўкмалардан ҳосил бўлган 0,1 мм қалинликдаги қатламлар қуйқа, филтрат ва нам ҳолдаги қаттиқ фаза бўйича филтрлаш тезлигини кескин пасайтириб юборади. Доломитни парчалашда нитрат кислотали қуйқани филтрлаш жараёнининг оптимал технологик параметрлари: 100-110% нитрат кислота меъёри, жараённинг ҳарорати эса 40-60°C.

Тўртинчи бобнинг «Магний гидроксид олиш ва айланма эритмаларни қайта ишлаш жараёни тадқиқоти» қисмида доломитни парчалашда ҳосил бўлган тиндирилган нитрат кислотали эритмаларни аммиак билан нейтраллаш, магний гидроксидини ажратиб олиш ҳамда айланма эритмаларни суюқ ва донодор азот-кальцийли ўғитларга қайта ишлаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Гидроксид кўринишидаги магний гидроксидини чўктириш учун рН-ни кальций ва магний нитратлари эритмаларининг кимёвий таркибига таъсири ҳамда магний гидроксидининг чўкиш даражаси ўрганилган. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Магнийни чўкиш даражасига рН ни таъсири:**

1 - нитрат кислота меъёри 100, 2 - 110%.

Расмдан кўриниб турибдики, эритмани рН кўрсаткич 7,5-8 гача нейтраллаганда магнийсизлантириш даражаси 3-7% дан ошмайди. Эритмани янада нейтраллаб рН кўрсаткичи 10 га етганда 85-87,5%, рН 10,5-11,0 га етганда эса 96,52-97,22% магний гидроксиди чўкмага тушади.

Магний гидроксидини чўкмадан филтрлаш йўли билан ажратиб олиш бўйича кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан боғлиқ равишда тиндирилган нитрат кислотали эритмани аммиак билан нейтраллаш

вақтида унинг ҳарорати ошади, жараёнга таъсир этадиган икки хил параметр: куйқанинг ҳарорати ва нитрат кислота меъёрлари эритманинг филтрланиш тезлиги ҳамда куруқ қолдиқга таъсир қилиши ўрганилди. Нитрат кислотаси меъёрини ошириш билан эритма ва куруқ қолдиқ - магний гидроксиди бўйича филтрлаш тезлиги ҳам ошади ҳамда нитрат кислота меъёри 100% бўлганда унинг қиймати 890,21 ва 181,80 кг/м<sup>2</sup>·с га тенг бўлади. Куйқанинг ҳарорати ошиши билан филтрлаш тезлиги ҳам ортади, бу эса куйқанинг қовушқоқлигини пасайиши билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, филтрлаш тезлиги нуқтаи назаридан ажратиш жараёни нисбатан юқори ҳароратда олиб бориш керак бўлади. Оптимал ҳарорат эса 50-60°C ни ташкил этади. Куйқанинг юқори қовушқоқлиги сабабли магний гидроксидини тиндириш йўли билан ажратиш олиш жараёни ўрганилмаган.

Фазаларни ажратишда центрифугалаш жараёнининг юқори даражада жадаллиги туфайли центрифугалаш вақтини куйқанинг С:Қ нисбатларга таъсири ўрганилган. Центрифугалаш орқали фазаларни бир-биридан ажратиш жараёни етарли даражада тез боради. Нисбатан жадал центрифугалаш жараёни биринчи 6 минутда содир бўлади. Шунинг учун 6 минутдан кейинги куйқа миқдори 91,86% ни, 10 минутдан кейин 95,66% ва 15 минутдан кейин эса 97,15% ни ташкил этади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шу нарсани кўрсатдики, филтрлаш ва центрифугалаш жараёнлари магний гидроксиди чўкмаларини ажратиш олишнинг энг мақбул усуллари билан бири ҳисобланади. Оптимал технологик параметрларда олинган магний гидроксидининг оғирлиги ўзгармай қолгунча 100-110°C ҳароратда қуритилди ҳамда унинг рентгенограмма ва термограмма усулида таҳлили қилинди.

Магний гидроксидини куйдириш ҳароратини аниқлаб олиш учун унинг дериватограммаси олинди. Чунки магний гидроксидини олиш учун уни 410°C дан кам бўлмаган ҳароратда куйдириш талаб этилади. Жараённинг бошланиши 315,3°C, тугаши 410°C, намни максимал даражада йўқотилиши минутига 3% ни ташкил этади. Белгиланган парчаланиш тезлигида 30,875% намликни йўқотиш учун 11 минутдан кам бўлмаган вақт сарфланди.

Рентгенограммада магний гидроксид учун характерли бўлган 2,36919, 4,79496, 1,57409, 1,79675, 1,49502Å дифракцион максимумлар кўзатилди.

Магний гидроксидини олиш олиш бўйича қилинган тадқиқотлар 400-800°C ҳароратда ва жараённинг давомийлиги 15 минутдан 180 минутгача бўлган вақтни ташкил этди. Куйдиришни 1 соат давомида 400°C дан 800°C гача бўлган ҳарорат оралиғида магний оксиди миқдори 56,62% гача, магний гидроксид миқдори эса 800°C ҳароратда 93,10% гача ошиши кўзатилди. 500°C ҳароратда куйдириш жараёни вақтини ошириш магний оксиди миқдорини 1 соат давомида 82,86% гача ва 3 соат давомида эса 84,60% гача оширади. Магний оксиди олишнинг оптимал шароити куйдириш вақти 2 соатдан кам бўлмаган ва 700-800°C ҳарорат ҳисобланади.

Нитрат кислотаси билан доломит хомашёсини парчалаш бўйича олинган натижалар эримайдиган чўкмаларни ажратиш, тиндирилган эритмани газсимон аммиак билан нейтраллаб рН ни 10,5-11 гача келтириш, чўктириш ва

чўкмаларни ажратиб олиш бўйича олинган илмий тадқиқотлар Деҳқонобод кони доломитидан магний гидроксид олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Магний гидроксидини олиш технологияси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- доломитни нитрат кислотаси билан парчалаш;
- эрмайдиган чўкмаларни филтрлаб ажратиб олиш;
- тиндирилган эритмани газ ҳолатдаги аммиак билан нейтраллаш;
- магний гидроксидини ажратиш, ювиш ва қуритиш.

